

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ**  
**ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА**  
**ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

## **ҲУҚУҚШУНОСЛИК**

қайта тайёрлаш ва малака ошириш  
йўналиши

**“МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ВА ПРОЦЕСС”**

модули бўйича

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент – 2019**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш раёсати мажлисининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баёни билан маъқулланган ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:**

Д.Артиков – ТДЮУ “Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви” кафедраси ўқитувчиси

**Такризчилар:**

Б.Умаров – ТДЮУ “Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедраси” катта ўқитувчиси

Б.Нариманов – ТДЮУ “Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви” кафедраси катта ўқитувчиси

## **МУНДАРИЖА:**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>13</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>21</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>27</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>36</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>69</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>73</b>

# **I. ИШЧИ ДАСТУР**

## **КИРИШ**

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–5789-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сон, 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг илғор таълим технологиялари ва таълим жараёнларида маъмурий ҳуқуқни ўқитишнинг замонавий ёндошувлари асосида янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

## **Модулнинг мақсад ва вазифалари**

Тингловчиларда маъмурий ҳуқуқ нормаларини қўллаш соҳасида назарий билимлар ва амалий кўникмаларни шакллантириш, шунингдек маъмурий ҳуқуқни долзарб муаммолар доирасида фанни ўқитишнинг замонавий ёндашувлари бўйича кўникмаларни шакллантириш, муаммоли вазиятларга нисбатан қонунчиликни излаш ва қўллаш кўникмаларини шакллантириш, мантиқий саволларга ҳуқуқий асослантирилган жавоб бериш кўникмасини шакллантириш ҳамда мустақил таълим орқали тингловчига билимларни мустақил ўзлаштиришга кўмаклашиш модулнинг мақсади ва вазифалари ҳисобланади.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Маъмурий ҳуқуқ ва процесс” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

#### **Тингловчи:**

- маъмурий ҳуқуқнинг хусусиятларини тўғри англаш, жамиятда бўлаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни конституцион ва маъмурий қонунчилик билан боғлай олиш, қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини **билиши** керак;

#### **Тингловчи:**

- маъмурий ҳуқуқ муаммоларга доир кейслар тузиш, улардан амалиётда қўллаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим;

#### **Тингловчи:**

- маъмурий ҳуқуқ муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;

- талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш;

- ўқув жараёнида таълим беришнинг модулли тизимини қўллаган ҳолда тизимли мушоҳада юритиш, вазиятни баҳолай билиш, оптимал қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш, шунингдек уларда юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш кўникмаларини шакллантириш **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Маъмурий ҳуқуқ ва процесс” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедия ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Маъмурий ҳуқуқ ва процесс” модули “Фуқаролик-ҳуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт”, “Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт”, “Юриспруденцияда ёзма нутқ кўникмалари”, “Юриспруденцияда тизимли таҳлил” каби модуллар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар маъмурий ҳуқуқ муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Умумий ўқув юкламаси соатлари			
		Жами	Аудитория ўқув юкламаси		
			Назарий	Амалий	Кўчма машғулот
1.	Маъмурий ҳуқуқ ва процесс фанига кириш. Ўзбекистон Республикаси маъмурий ислохотлар концепциясининг мазмун-моҳияти	4	2	2	
2.	Маъмурий ҳуқуқ фанини ўқитилишининг ўзига хос хусусиятлари. Олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг инсон ҳуқуқлари таълими	2		2	
3.	Давлат хизматининг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу соҳада коррупцияга қарши курашиш масалалари	4		2	2
4.	Ўзбекистон Республикасида маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчилик ҳолати	2		2	
5.	Маъмурий юстиция	4			4
	<b>Жами</b>	<b>16</b>	<b>2</b>	<b>8</b>	<b>6</b>

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1 – мавзу. Маъмурий ҳуқуқ ва процесс фанига кириш. Ўзбекистон Республикаси маъмурий ислохотлар концепциясининг мазмун-моҳияти**

Ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини оптималлаштириш. Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш. Маъмурий адлия тизимини ривожлантириш. Давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш. Профессional давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**2-мавзу. Маъмурий ҳуқуқ фанини ўқитилишининг ўзига хос хусусиятлари. Олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг инсон ҳуқуқлари таълими**

Маъмурий ҳуқуқ фанини ўқитишда муаммоли вазият(казус)лар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Маъмурий ҳуқуқ фанидан маъруза ва семинар машғулотларини олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари. Инсон ҳуқуқлари тушунчаси, турлари ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ҳуқуқлари.

**3-мавзу. Давлат хизматининг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу соҳада коррупцияга қарши курашиш масалалари**

Давлат хизмати тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Давлат хизматига кириш. Давлат хизматини ўташ. Давлат хизматини бекор бўлиши.

**4-мавзу. Ўзбекистон Республикаси маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчилик ҳолати**

Маъмурий тартиб-таомилларнинг амалий аҳамияти. Маъмурий ҳужжатнинг қабул қилиш тартиботи. Маъмурий шикоятни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари.



## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Маъмурий юстиция тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Маъмурий юстиция қонунчилиги. Маъмурий низоларни судгача ҳал этиш тартиби. Маъмурий судлар томонидан маъмурий низоларни кўришнинг ўзига хос хусусиятлари масалалари кўчма машғулотнинг мазмунини ташкил этади.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Қуйидаги шаклларда таълим бериш кўзда тутилган:

- бинар маъруза, бит дарс, дебатлар, вебинар;
- деворсиз мактаб;
- On-line маъруза;
- тренинг, видеотренинг
- мини-маърузалар ва суҳбатлар;
- аклий ҳужум ва бумеранг, танишув усулларида;
- дискуссия ва диспутлар (даллил ва аргументлар асосида фикрини асослашга ўрганади, тинглаш ва эшитишга мослашади);
- кичик гуруҳларда идрок харитасида ишлаш (хамкорликда ишлашга ўрганилади).

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.

3. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. 76 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 183-модда

3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги

- Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997, №9, 230-модда
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997, №9, 232-модда
  5. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999, №1, 8-модда
  6. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999, №5, 115-модда
  7. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда
  8. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001, №1-2, 10-модда.
  9. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 138-модда
  10. Ўзбекистон Республикасининг “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар-Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 37-сон, 375-модда
  11. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 51-сон, 575-модда
  12. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда
  13. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон

- Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда
14. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда
  15. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда
  16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизimini такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 9 декабр Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003, № 23, 229-модда
  17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик бошқарув органлари тизimini такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 22 декабр Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003, № 24, 236-модда
  18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 7-сон, 55-модда
  19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
  20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14.02.2017 йилдаги Ф-4849-сон фармойиши // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 7-сон, 88-модда

#### **Махсус адабиётлар:**

1. Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E.Qosimovning umumiy tahriri ostida.

- Т.: О’zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2010. – 640 б.
2. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республик Узбекистан Общая часть. Учебник. –Т.: Konsauditinform-Nashr, 2012. – 591 с.

**Хорижий адабиётлар:**

1. Constitutional and administrative law / A. W. Bradley and K. D Ewing. 13th ed. 2003.
2. Administrative Law. Peter Leyland, Gordon Anthony. Seventh Edition, 2012.
3. Allgemeines Verwaltungsrecht: mit Verwaltungsprozessrecht Steffen Detterbeck. 2013.
4. Allgemeines Verwaltungsrecht, Aufl., München

**Электрон таълим ресурслари:**

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.senat.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.my.gov.uz>
5. <http://www.parliament.gov.uz>

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



### “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида

фойдаланиш мумкин.



### “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).



### “Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш</li> </ul>



## Намуна

**Кейс.** Фуқаро Л.Собиров 2007 йил март ойидан то 2015 йил апрель ойига қадар ички ишлар органларида турли лавозимларда, охириги вақтда Андижон вилояти Асака тумани ички ишлар бўлими Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлимида терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш гуруҳи тезкор ходими лавозимида фаолият олиб борди. Л.Собиров Андижон вилояти ИИБ 2015 йил 20 апрелдаги №18 ш/т сонли буйруғи асосан ишдан бўшатилди.

Шундан кейин, Л.Собиров Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига ички ишлар идораларига қайта қабул қилишда амалий ёрдам беришни сўраб ариза билан мурожаат қилди. Унинг мурожаатига асосан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи биринчи ўринбосари томонидан 2017 йил 17 ноябрдаги 3/Ш-58 сонли жавоб хати билан уни ички ишлар идоралари хизматига қайта қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилди. Шундан сўнг Л.Собиров маъмурий судга шикоят қилди.

### Кейснинг баҳарини босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Ҳокимиятлар бўлиниши тамойили тўлиқ амал қилиши лозим бўлган ҳолатлар кетма-кетлигини аниқланг (жуфтликлардаги иш).

### “ФСМУ” методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалядилар. Матн

билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно аниқлаши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоёниш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий

муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### **Вени Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

#### **Намуна: Давлатни тушунишдаги турли концепциялар бўйича**



## “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “якка баҳо” колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1” балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.


7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

## “Мунозара” методи

Таълим тизимида тизимларда нутқ ўқитиш, ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хулосалар чиқариш воситаси сифатида гоё муҳим ўрин эгаллайди. Бу бажариладиган ишнинг бир тури бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади. Тингловчилар томонидан “ўз сўзи” ўзига хос услуб асосида изчил, савол фикр юритилади.

Мунозара вақтида тингловчилар ўзларига ишонган ҳолда саволларни мунозара қилишади. Мунозара учун шундай шароит яратиши керакки, унда тингловчилар ўз фикрларини ишонч билан очик айтиш, камчиликлари учун айбга қўймасликларига ишонган ҳолда баён этишлари лозим.

**Масалан: Маъмурий ихтиёрийлик маъмурий ҳужжат қабул қилишга қандай таъсирқилади?**



## “Пинборд” методи

Пинборд инглизчадан: pin – мустаҳкамлаш, board –доска маъносини билдиради. Бу усулда мунозара ёки суҳбат амалий усул би-лан боғланиб кетади. Метод мақсади ривожлантирувчи ва тарбияловчи вази-фасини бажариш. Бунда тингловчиларда мулоқот юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, ўз фикрини нафақат оғзаки, балки ёзма ра-вишда баён этиш маҳорати, мушоҳада қилиш ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

## “Портфолио” методи

“Портфолио” – ( итал. portfolio – портфель, ингл.ҳужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат

қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида ақс этади. Жумладан, тингловчи ёки тингловчиларнинг модуль юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

<b>Фаолият тури</b>	<b>Иш шакли</b>	
	<b>Индивидуал</b>	<b>Гуруҳий</b>
Таълимий фаолият	Тингловчилар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Тингловчилар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу. Маъмурий ҳуқуқ ва процесс фанига кириш. Ўзбекистон Республикаси маъмурий ислоҳотлар концепциясининг мазмун-моҳияти

##### Режа:

- 1.1. Маъмурий ҳуқуқ ва маъмурий-ҳуқуқий нормалар тушунчаси.
- 1.2. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар мазмун-моҳияти.
- 1.3. Маъмурий ҳуқуқнинг манбаини ташкил этадиган қонун ҳужжатлар.

**Таянч иборалар:** маъмурий ҳуқуқ, давлат бошқаруви, қонуности ҳужжатлар, лицензия, норма, мансабдор шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари, жисмоний шахслар, индивидуал субъектлар, жамоа субъектлари, маъмурий орган.

##### • *Маъмурий ҳуқуқ нима?*


Маъмурий ҳуқуқ оммавий ҳуқуқ соҳаси ҳисобланиб, оммавий манфаатларни муҳофаза қилишга қаратилган муносабатларни тартибга солади.

*Ёдда тутинг!!!*

**Маъмурий ҳуқуқ – бу давлат бошқаруви жараёнида маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндисидир.**

“Маъмурий ҳуқуқ” тушунчаси “давлат бошқаруви” тушунчаси билан ўзаро боғлиқдир.

Давлат бошқаруви – бу қонунлар ва бошқа норматив (қонуности) ҳужжатларни қўллаш бўйича олиб бориладиган ижрочилик ва фармойиш бериш фаолиятидир.





Бугунги кунда ўқувчилар орасида маъмурий ҳуқуқни тушуниш борасида нотўғри қараш кенг тарқалган. Яъни, “маъмурий ҳуқуқ” деганда, “маъмурий жавобгарлик”ни тушунадилар. Яъни, маъмурий ҳуқуқнинг асосий манбаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси деб билади. **Афсуски, бу нотўғри тушунча!** Бундай қараш собиқ Иттифоқ давридан қолган. Бу эса маъмурий ҳуқуқни негатив тушунишга сабаб бўлган. Аслида маъмурий ҳуқуқнинг позитив хусусиятлари жуда кўп. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, биз бирор бир қонун ҳужжатини маъмурий ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида белгилаб олишимиз мушкул. Бунга асосий сабаб маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар доирасининг жуда кенглигидир. Жумладан, мамлакатимизда мавжуд бўлган қонун ҳужжатларининг **аксарияти** маъмурий ҳуқуқ соҳасига тегишлидир.

• *Маъмурий-ҳуқуқий нормалар нима?*

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар давлат томонидан ўрнатилган, маъмурий-ҳуқуқий фаолият жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ушбу муносабатлар субъектларининг юридик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайдиган ҳуқ-атвор қоидаларидир.

*Ёдда тутинг!*

**Маъмурий-ҳуқуқий нормалар Маъмурий ҳуқуқ фани тизимининг бошланғич элементи бўлиб, давлат томонидан ўрнатиладиган ёки тасдиқланадиган ҳамда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқ-атворини (хатти-ҳаракатини) белгилаб берадиган қоидалардир.**


Маъмурий-ҳуқуқий нормалар – маъмурий ҳуқуқ тармоғининг бошланғич элементи сифатида қуйидаги умумий хусусиятларга эга:

биринчидан, маъмурий-ҳуқуқий нормалар давлат томонидан ўрнатилади ва уларнинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

иккинчидан, маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқ-атворини, хатти-ҳаракатини тартибга солади;

учинчидан, маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг юридик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқлаб беради;

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар мазмунига кўра моддий ва процессуал нормаларга бўлинади. Моддий маъмурий-ҳуқуқий нормалар давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича бўладиган муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмунини акс этса, процессуал маъмурий-ҳуқуқий нормалар эса уларни амалга ошириш тартибини белгилайди.



Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг ўзига хос хусусиятлари – маъмурий ҳуқуқ предмети ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш услубининг хусусиятлари билан белгиланади. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар – Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими бошқа тармоқларининг нормаларидан фарқли равишда, махсус қўлланиш соҳасига эга бўлиб, бу давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги ижтимоий муносабатлардир. Шу сабабли маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини давлат бошқаруви жараёнида амал қилиниши шарт бўлган хатти-ҳаракатлар доираси ташкил этади. Улар ёрдамида давлат органлари, мансабдор шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари ва жисмоний шахсларнинг давлат бошқаруви соҳасида қачон ва қандай тартибда ҳаракат қилганларида

қонунчилик талаблари аниқ ва мақсадга мувофиқ бўлиши белгиланади. Шу билан бирга, маъмурий-ҳуқуқий нормаларда қандай ҳаракатларни амалга ошириш мумкин ва қайсиларидан ўзини тийиш кераклиги кўрсатилади.

- **Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар мазмун-моҳиятини қандай муносабатлар ташкил этади?**

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари асосида вужудга келадиган муносабатлардир.

**Ёдда тутинг!!!**

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бу маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан давлат бошқаруви жараёнида юзага келган ва маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинган ҳуқуқий муносабатларнинг бир туридир.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ўзининг тузилишига кўра муносабат *субъекти*, *объекти* ва *мазмунига* эга.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг *субъекти* унда иштирок этувчи томонлар, яъни бошқарув жараёнида маълум бир ваколатга эга бўлган (давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар) ёки бошқача маъмурий-ҳуқуқий мақомга эга бўлган шахслар (фуқаролар, жамоат бирлашмалари) ҳисобланади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг **объекти** маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳаракатлари (қарорлари), уларнинг ижобий ёки салбий хулқ-атвори ҳисобланади. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат маълум бир жараёнларни тартибга солишга қаратилган муайян бир вазифани бажаради. Шу сабабли объектсиз ҳуқуқий муносабат бўлиши мумкин эмас.


Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг **мазмунини** маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги, тақиқлар, чекловлар ташкил этади.

- **Маъмурий ҳуқуқ субъектлари нима?**

Маъмурий ҳуқуқ субъектлари иккига бўлинади: индивидуал субъектлар ва жамоавий субъектлар.

*Индивидуал субъектлар* – фуқаролар, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиб, улар ижро ҳокимияти ва оммавий бошқарув органлари билан қатъий ва доимий ташкилий алоқаларда бўлмайди. Фуқаролар, масалан, қандайдир ҳаракатни содир этиш зарурати билан уларга юклатилган мажбуриятларни бажариш, тегишли давлат органининг рухсатини (лицензия) олиш, ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни бузадиган ижро ҳокимияти органларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш орқали маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

*Жамоа субъектлари* – бу инсонлар гуруҳи бўлиб, ташқи муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этадилар; уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти норматив ҳуқуқий актлар билан тартибга солинади. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда жамоа субъектлари ўз номларидан ҳаракат қиладилар; қонун ва бошқа норматив ҳужжатларда уларнинг ҳуқуқлари ва маълум бир мажбуриятлари белгилаб қўйилади.



### *Ёдда тутинг*

**Маъмурий орган** — маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялардир.

- **Маъмурий ҳуқуқнинг манбаи сифатида қайси қонун ҳужжатларини таъкидлаш мумкин?**

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар доираси жуда кенг бўлганлиги учун ушбу ҳуқуқ соҳасига оид қонун ҳужжатлари кенг қамровлидир.

Маъмурий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлган энг асосий қонун ҳужжатларидан бири бу **“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”**ги Қонун ҳисобланади.

Ушбу Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан **лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш** билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонун **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, муҳофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш** соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу Қонун маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи энг асосий принципаал қонун ҳисобланади. Маъмурий ҳуқуқнинг асосий моҳиятини тушунишда талабаларга ушбу қонунни ўқиш тавсия этилади.

Ўз навбатида, лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатишга оид қонун ҳужжатлари ушбу ҳуқуқ соҳасининг манбалари доирасига киради.

### **Назорат саволлари:**

1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчасини амалий мисоллар билан ёритиб беринг.
2. Маъмурий ҳуқуқ ва оммавий ҳуқуқнинг ўзаро муносабатини ёритиб беринг.
3. Маъмурий ҳуқуқнинг фуқаролик ҳуқуқидан фарқли жиҳатларини амалий мисоллар билан ёритиб беринг.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ


### 1-амалий машғулот. Маъмурий ҳуқуқ ва процесс фанига кириш. Ўзбекистон Республикаси маъмурий ислохотлар концепциясининг мазмун-моҳияти

#### Топшириқ


Қўқон шаҳар солиқ инспекцияси инспектори Ф.Салимов МДХ давлатлар ўртасида ўтказилган Халқаро солиқ симпозиумида 1000 АҚШ доллар миқдорида мукофот олди. Ф.Салимов Ўзбекистон Республикасига қайтиб келгач, Қўқон солиқ инспекцияси бошлиғи К.Наимов ушбу мукофот давлат бюджетига ўтказилиши ҳамда ушбу мукофотни бериши кераклигини маълум қилди. Ф.Салимов эса бошлиғининг ҳаракатидан норози бўлиб, юқори турувчи органга мурожаат қилди. Ўтказилган тадбирда юқори турувчи орган томонидан 800 АҚШ доллар пул мукофотини бюджет даромадига ўтказиб юборилди. Қўқон солиқ инспекцияси бошлиғи К.Наимовга нисбатан қаттиқ хайфсан эълон қилинди. 200 АҚШ доллар олган Ф.Салимов қолган мукофотини олиш мақсадида Қўқон шаҳар прокуратурасига мурожаат қилди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*


1. Мазкур казусни Маъмурий ҳуқуққа алоқадор жиҳатларини таҳлил қилинг:




2. Казусдаги ҳуқуқий муаммолар доирасини белгиланг:



**Казусга тегишли ҳуқуқий асосларни таҳлил қилинг:**



**3. Ўз хулосангизни шакллантиринг:**



## **2-амалий машғулот. Маъмурий ҳуқуқ фанини ўқитилишининг ўзига хос хусусиятлари. Олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг инсон ҳуқуқлари таълими**

### **Казус**

2014 йил 20 март куни фуқаро К.Рашидов пенсия ёшига етгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Андижон вилояти Шаҳрихон туман бўлимига мурожаат қилди. Бўлим ходими фуқаро К.Рашидовга олиб келиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатини тақдим қилди. Лекин, ҳужжатлар рўйхати ичида фуқаро К.Рашидов 1990-1995 йилларда ишлаган ташкилот ҳозирда ўз фаолиятини тугатганлиги учун иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани топишнинг иложи бўлмаслигини ижтимоий таъминот бўлими ходимига айтиб ўтди. Бўлим ходими у ҳолда фуқаро К.Рашидовни архивга боришини таъкидлаб ўтди. Архивга борганда архив идораси янги бинога кўчиб ўтганлиги учун, кўчиш жараёнида фуқаро К.Рашидов 1990-1995 йилларда ишлаган ташкилотга тегишли ҳужжатлар йўқолганлигини айтиб, бу масалада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигига мурожаат қилиш лозимлигини айтиб ўтди.

2014 йилнинг 25 март куни фуқаро К.Рашидов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигига электрон мурожаат қилди. 2014 йилнинг 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги фуқаро К.Рашидовга жавоб йўллаб, ушбу масала “Ўзархив” агентлиги ваколатига кирмаслигини, “бошқа орган”га мурожаат қилиш лозимлигини кўрсатиб ўтди. Бундан норози бўлган фуқаро судга шикоят қилди. Фуқаро ўз шикоятида бир қанча асосларни кўрсатиб ўтди.

биринчидан, агентлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги («Ўзархив» агентлиги) тўғрисидаги низомга кўра, республика давлат архивларида сақланаётган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш учун жавобгар эканлигини кўрсатиб ўтади.

иккинчидан, агентлик архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом талабларини бажармаётганлигини таъкидлаб ўтади.



*Юқоридаги казусдан келиб чиқиб қуйидаги жадвални тўлдириб беринг. Маъмурий тартиб-таомиллар принципларини мазкур казусга боғлаб таҳлил қилинг.*

<b>Қонунийлик принципи</b>	
<b>Мутаносиблик принципи</b>	
<b>Ишончлилик принципи</b>	
<b>Тингланиш имкониятининг мавжудлиги принципи</b>	
<b>Маъмурий тартиб-таомилларнинг очиклиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги принципи</b>	
<b>Манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги принципи</b>	
<b>Бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги принципи</b>	
<b>Мазмунан қамраб олиш принципи</b>	
<b>Маъмурий иш юритишнинг «бир дарча» орқали амалга оширилиши принципи</b>	
<b>Тенг ҳуқуқлилилик принципи</b>	
<b>Ишончнинг ҳимоя қилиниши принципи</b>	

<b>Маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги принципи</b>	
<b>Текшириш принципи</b>	
<b>Маъмурий тартиб- таомиллар принципларининг қўлланилиши</b>	

### **3-амалий машғулот. Давлат хизматининг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу соҳада коррупцияга қарши курашиш масалалари**

#### **1-топшириқ**

2014 йилнинг июнь ойида “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бош директори В.Комилов ўриндошлик асосида Тошкент шаҳрида жойлашган мактаблардан бирига директор ўринбосари лавозимига тайинланади. 2014 йилнинг сентябрь ойида мактаб фаолияти билан боғлиқ масала бўйича чет элга бориш мақсадида 2 йил мобайнида амал қиладиган рухсатнома ёзуви стикерини расмийлаштириш учун Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига мурожаат қилади. Бошқарма ходими В.Комиловнинг чет элга чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан махсус келишувини талаб қилади. В.Комилов чет элга “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ масаласи бўйича эмас, балки мактаб масаласи бўйича кетаётганлигини таъкидлайди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **2-топшириқ**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги таркибидаги Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармасида бошқарма бошлиғи ўринбосари сифатида ишлаб келаётган Б.Анваров ўз қўл остидаги катта маслаҳатчи лавозимида ишлаб келаётган О.Олимовни дам олиш кунлари ҳам бир неча мартаба ишга жалб қилган. Бундан норози бўлган О.Олимов юқори

турувчи мансабдор шахсга шикоят билан мурожаат қилиб Б.Анваровнинг хатти-ҳаракатларидан норози эканлини билдирди. У ўз шикоятида Б.Анваровнинг хотини томонидан қариндош бўлган, яъни рафиқасининг укаси Б.Ботировнинг илтимосига кўра ушбу лавозимни эгаллаганлигини қайд этиб ўтди. Шунингдек, шикоятда у Б.Ботиров ушбу бошқармада етакчи маслатчи лавозимида ишлаб келаётгани ва улар ўртасида иш билан боғлиқ низо келиб чиққанлиги сабабли Б.Ботиров бошқарма бошлиғи Б.Анваровдан уни дам олиш кунлари ҳам ишга жалб қилишини сўраганини кўрсатиб ўтди. Бундан ташқари, О.Олимов ўз шикоятида давлат хизматида қариндош-уруғларнинг давлат корхоналари ва органларида бири иккинчисига бевосита бўйсунувчи ёки унинг назорати остида хизмат қилиши мумкин эмаслигини ҳам айтиб ўтган. Шунингдек, дам олиш кунлари ишга жалб қилишга алоҳида ҳолларда жамоа шартномасида агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **4-амалий машғулот. Ўзбекистон Республикасида маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчилик ҳолати**

##### **Топширик**

2014 йил 20 март куни фуқаро Рашидов К. нафақа ёшига етгани муносабати билан туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилди. Ижтимоий таъминот масъул ходими фуқаро Рашидов К.га олиб келиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатини тақдим қилди. 2014 йил 10 май куни фуқаро Рашидов К. талаб этилган ҳужжатларни йиғиб келиб ижтимоий таъминот бўлими ходимига тақдим қилди. Ходим керакли ҳужжатларни қабул қилиб олгач фуқаро Рашидов К. га бир ойдан кейин келишини айтди. Шу орада Рашидов К. оғир бетоб бўлиб қолди ва икки ой давомида даволанишга тўғри келди. Икки ойдан сўнг туман ижтимоий таъминот бўлимига келди. Бўлим ходими фуқаро кечикканлиги туфайли яна бир ойдан кейин келишини айтди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

*Қуйидаги саволлар (маъмурий ҳуқуққа алоқадор бўлган)га жавоб беринг.*

*Ушбу казусда маъмурий органни аниқланг ва фикрингизни асослантириб беринг.*

---

---

---

*Ушбу казусдаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатни аниқланг.*

---

---

---

---

---

*Ушбу казусдан келиб чиқиб, маъмурий ҳуқуқий муносабатни фуқаролик ҳуқуқий муносабатдан фарқли жиҳатларини асослаб беринг.*

---

---

---

---

---

---

---

*Маъмурий-ҳуқуқий муносабатга 3 та мисол ёзинг.*

## **5-амалий машғулот. Маъмурий юстиция**

### **1-топширик**

Тошкент шаҳар Яккасарой туманида истиқомот қилувчи фуқаро М. Яккасарой туман хокимиятига ариза билан мурожаат қилиб, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Қурувчилар мавзеси, 4-Д уй, 9-хонадонни хусусийлаштириб беришни сўраган, Яккасарой туман хокимияти унинг аризасини кўриб чиқиб 2016 йил 30 сентябрда рад жавоби берган, рад этиш

учун сабаб қилиб, Яккасарой туман хокимлиги жавоб хатида низоли хонадонни хусусийлаштиришда “Шодлик” М.Ф.Й.нинг 19.07.2015 йилдаги №3115 сонли маълумотномаси ва фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 21.08.1997 йилдаги ҳал қилув қарори ва кадастр хизматининг 13.09.2016 йилдаги №134а-сонли маълумотномасини тақдим қилганлигини, аммо хонадонга кириб яшаш ҳуқуқини берувчи давлат ордери ва уйда яшовчи шахсларнинг қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган розилиги тақдим этилмаганлиги рўқач қилинган. Аризачи М. оила аъзолари билан низоли хонадонда 1997 йилдан бери яшаб келаётганлигини билдириб, Яккасарой туман хокимияти хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топишни ва Яккасарой туман хокимияти зиммасига Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Қурувчилар мавзеси, 4-Д уй, 9-хонадонни аризачи М. номига хусусийлаштириш мажбуриятини юклашни сўраб судга шикоят қилган.

**Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.**

## **2-топширик**


Фуқаро Л. 2007 йил март ойидан 2015 йил апрель ойига қадар ички ишлар тизимларида турли лавозимларда, охири вақтда Андижон вилояти Асака тумани Ички ишлар бўлими Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш гуруҳи тезкор вакили лавозимида хизмат қилган.

Андижон вилояти ИИБ 2015 йил 20 апрелдаги №18 ш/т сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизматни ўташ ҳақидаги муваққат Низом”нинг 69-моддасига асосан ишдан бўшатишган.

Шундан кейин у Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига Ички ишлар идораларига қайта қабул қилишда амалий ёрдам беришни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Унинг мурожаатига асосан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи биринчи ўринбосари томонидан 2017 йил 17 ноябрдаги 3/Ш-58 сонли жавоб хати билан уни ички ишлар идоралари хизматига қайта қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган. Шундан сўнг аризачи Л. маъмурий судга шикоят қилди.

**Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.**

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ



### 1-масала

Тошкент шаҳар Яккасарой туманида истиқомот қилувчи фуқаро М. Яккасарой туман ҳокимиятига ариза билан мурожаат қилиб, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Қурувчилар мавзеси, 4 Д-уй, 9-хонадонни хусусийлаштириб беришни сўраган, Яккасарой туман ҳокимияти унинг аризасини кўриб чиқиб 2016 йил 30 сентябрда рад жавоби берган, рад этиш учун сабаб қилиб, Яккасарой туман ҳокимлиги жавоб хатида низоли хонадонни хусусийлаштиришда “Шодлик” М,Ф,Й.нинг 19.07.2015 йилдаги №3115 сонли маълумотномаси ва фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 21.08.1997 йилдаги ҳал қилув қарори ва кадастр хизматининг 13.09.2016 йилдаги №134а-сонли маълумотномасини тақдим қилганлигини, аммо хонадонга кириб яшаш ҳуқуқини берувчи давлат ордери ва уйда яшовчи шахсларнинг қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган розилиги тақдим этилмаганлигини рўқач қилинган, аризачи М. оила аъзолари билан низоли хонадонда 1997 йилдан бери яшаб келаётганлигини билдириб, Яккасарой туман ҳокимияти хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топишни ва Яккасарой туман ҳокимияти зиммасига Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Қурувчилар мавзеси, 4 Д-уй, 9-хонадонни аризачи М. номига хусусийлаштириш мажбуриятини юклашни сўраб судга мурожаат қилган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### 2-масала

Фуқаро Л. 2007 йил март ойидан то 2015 йил апрель ойига қадар ички ишлар тизимларида турли лавозимларда, охириги вақтда Андижон вилояти Асака тумани ички ишлар бўлими Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси терроризм ва диний

экстремизмга қарши курашиш гуруҳи тезкор вакили лавозимида хизмат қилган.

Андижон вилояти вилояти ИИБ 2015 йил 20 апрелдаги №18 ш/т сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизматни ўташ ҳақидаги муваққат Низом”нинг 69-моддасига асосан ишдан бўшатишган.

Шундан кейин у Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига ички ишлар идораларига қайта қабул қилишда амалий ёрдам беришни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Унинг мурожаатига асосан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи биринчи ўринбосари томонидан 2017 йил 17 ноябрдаги 3/Ш-58 сонли жавоб хати билан уни ички ишлар идоралари хизматига қайта қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган. Шундан сўнг аризаچи Л. маъмурий судга шикоят қилган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **3-масала**

Аризаچи фуқаро Н. Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 40-уйнинг 1/3 қисми унга 2016 йил 20 февраль кунги қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳномасига асосан тегишли бўлиб, мазкур уйнинг 1/3 қисмига 4 киши тенг баробар ворисларга тегишли бўлганлигини, 02.02.2016 йилда Тошкент шаҳар ҳокимининг “Тошкент шаҳрининг марказий қисмида ободонлаштириш ва бузиш ишларини олиб бориш ҳақида”ги 23-сонли қарорига асосан Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 40-уй бузилганлигини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №97 29.05.2016 йилдаги қарорига асосан бузилиш ҳудудига тушган ҳудудлардаги уй-жойлар ўрнига турар жойлар берилиши ҳақида кўрсатилган бўлсада, унинг оиласи асосиз равишда уй-жой билан таъминланмасдан қолиб кетганлигини, бу ҳолат юзасидан бир неча мартаба ҳокимиятга мурожаат қилганлигини, лекин фойдаси бўлмаганлигини, ундан ташқари мазкур хонадонда доимий рўйхатда турмаганлар уй-жой билан таъминланганлигини, лекин у 3 нафар вояга етмаган фарзандлари билан уй-жойсиз қолиб кетганлигини билдириб, Яккасарой туман ҳокимияти зиммасига Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 40-уй бузилганлиги муносабати билан уни уй-жой билан таъминлаш

мажбуриятини юклашни сўраган. Бирок, аризачининг талаблари қаноатлантириш суд томонидан рад этилган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **4-масала**

Судга аризачи А.Қаюмов Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар Сергели тумани бўлими мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, унга пенсия жамғармаси Сергели туман бўлими томонидан ёшга доир пенсия тайинланганлигини ва Ўзбекистон Республикасининг 03.09.1993 йилдаги “Давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддаси, “и” бандига (Ҳарбий хизмат ва ички органларида хизмат вазифасини бажараётганда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва Ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналарига ва қайта турмуш қурмаган бева хотинларига (бева эрларига) энг кам ойлик иш ҳақининг 30% миқдорида устама ҳақлар қўшилганлигини, БТПЖ Сергели туман бўлимининг 02.07.2014 йилдаги 116-сонли қарорида “Давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддаси “и” бандига асосан унинг пенсиясига қўшилган 30% устама миқдорини 1.383.470 сўм 85 тийин миқдорида деб белгилаб, ҳар ойда унинг ёшга доир пенсиясидан 50% миқдорида ушлаб қолинаётганлигини, унинг турмуш ўртоғи ногирон бўлганлигини ва унинг вафоти урушда жароғатланиши билан боғлиқ бўлганлигини, урушда оғир жароҳат олганлиги сабабли турмуш ўртоғи вафот этганлигини, унинг турмуш ўртоғи урушда қатнашганлигини ва у ерда жароҳат олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигини кўрсатиб, суддан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар Сергели тумани бўлимининг 02.07.2014 йилдаги 116-сонли қарорини бекор қилишни, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар Сергели тумани бўлими зиммасига унинг ёшга доир пенсиясига Ўзбекистон Республикаси “Давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддаси “и” бандига асосан белгиланган устамаларни тўлаб бериш мажбуриятини юклатишни сўраган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*



## 5-масала

Тошкент шаҳар Сергели тумани ҳокимининг 1992 йил 03 декабрдаги 1054-р-сонли фармойиш билан тасдиқланган “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш комиссиясининг 1992 йил 27 ноябрдаги 15-сонли йиғилиши баённомасининг 122-бандида Сергели тумани, Сергели-7 даҳаси, 30-уй, 50-хонадон Салимов Алимардон Туракулович номига хусусийлаштирилганлигини, лекин хусусийлаштириш вақтида унинг исми ва шарифи “Салимов Алмардон Тўракулович” деб нотўғри ёзилганлигини, Салимов Алимардон Туракулович ушбу хонадонни унга васият қилиб қолдирганлигини, хусусийлаштириш ҳужжатларида А.Салимовнинг исм-шарифи нотўғри ёзилганлиги сабабли меросни расмийлаштира олмаётганлигини, шу сабабли Сергели тумани ҳокимиятига Сергели тумани ҳокимининг 1992 йил 03 декабрдаги “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш комиссиясининг 1992 йил 27 ноябрдаги 15-сонли йиғилиши баённомасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1054-р-сонли фармойишига ўзгартириш ҳақида ариза бидан мурожаат қилганлигини, лекин Сергели туман ҳокимининг 2015 йил 10 декабрдаги №К-478 сонли жавоб хати билан қарор ва фармойишларга ўзгартириш талаби қарорда кўрсатилган шахс томонидан асослангириб ёзилган аризага асосан киритилиши лозимлиги, унинг қарорларга ўзгартириш киритиш ҳақида мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд эмаслигини кўрсатиб унга рад жавоби берганлигини, Сергели туман ҳокимиятининг бу хатти-ҳаракатидан норози эканлигини билдириб Сергели туман ҳокимияти зиммасига Сергели тумани ҳокимининг 1992 йил 03 декабрдаги “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш комиссиясининг 1992 йил 27 ноябрдаги 15-сонли йиғилиши баённомасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1054-р-сонли фармойишига “Салимов Алмардон Тўракулов”га “Салимов Алимардон Туракулович” деб тузатиш киритиш мажбуриятини юклашни сўраб судга шикоят қилган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## 6-масала

2015 йилнинг сентябр ойида Ўзбекистон бадиий академияси раиси Н.Нажимов ўриндошлик асосида Тошкент шаҳрида жойлашган мактаблардан бирига директор ўринбосари лавозимига тайинланади. 2015 йилнинг декабр

ойида мактаб фаолияти билан боғлиқ масала бўйича чет элга бориш мақсадида 2 йил мобайнида амал қиладиган рухсатнома ёзуви стикери расмийлаштириш учун Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига мурожаат қилади. Бошқарма ходими чет элга чиқиши учун Ўзбекистон бадиий академияси раиси Н.Нажимовдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан махсус келишувни талаб қилади. Н.Нажимов чет элга бадиий академия фаолияти бўйича эмас, балки мактаб фаолияти бўйича кетаётганлигини таъкидлайди ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасидан чет элга чиқишга рухсат беришни талаб қилади. Аммо Кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқарма бошлиғи бунга рад жавобини беради. Бундан норози бўлган Н.Нажимов судга шикоят қилади.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **7-масала**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги таркибидаги Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармасида бошқарма бошлиғи ўринбосари сифатида ишлаб келаётган Б.Анваров ўз қўл остидаги катта маслаҳатчи лавозимида ишлаб келаётган О. Олимовни дам олиш кунлари ҳам бир неча мартаба ишга жалб қилган.

Бундан норози бўлган О.Олимов юқори турувчи мансабдор шахсга шикоят билан мурожат қилиб Б.Анваровнинг хатти-ҳаракатларидан норози эканлини билдирди. У ўз шикоятида Б.Анваровнинг хотини томонидан қариндош бўлган яъни рафиқасининг укаси Б.Ботировнинг илтимосига кўра ушбу лавозимни эгаллаганлигини қайд этиб ўтди. Шунингдек, шикоятда у Б.Ботиров ушбу бошқармада етакчи маслатчи лавозимида ишлаб келаётгани ва улар ўртасида иш билан боғлиқ низо келиб чиққанлиги сабабли Б.Ботиров бошқарма бошлиғи Б.Анваровдан уни дам олиш кунлари ҳам ишга жалб қилишини сўраганини кўрсатиб ўтди. Бундан ташқари О.Олимов ўз шикоятида давлат хизматида қариндош-уруғларнинг давлат корхоналари ва органларида бири иккинчисига бевосита бўйсунувчи ёки унинг назорати остида хизмат қилиши мумкин эмаслигини ҳам айтиб ўтган. Шунингдек, дам олиш кунлари ишга жалб қилишга алоҳида ҳолларда жамоа шартномасида

агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган асослар бўйича ва тартибла йўл қўйилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **8-масала**

2012 йил 16 мартда Тошкент юридик коллежи директори А.Пардаевга Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан 2-даражали адлия маслаҳатчиси мартаба даражаси берилди. 2016 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасини бажарувчи шахс А.Олимов ўз лавозимидан озод этилди. 2016 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинланган А.Самадов Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 16 мартдаги мартаба даражаси бериш тўғрисидаги буйруғига эътироз билдирди ва уни бекор қилишни талаб қилди. Эътирозга асос қилиб, Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча мактаб, академик леций, коллеж ва олий ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бўйсунуши лозимлигини ҳамда уларнинг раҳбарларига унвон ёки мартаба бериш унинг ваколати эканлигини сабаб қилиб кўрсатди. 2016 йил 17 мартда эса Ўзбекистон Республикаси адлия вазири мартаба даражаси тўғрисидаги қарорни ўзгартирганлини ва бунга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг эътирози сабаб бўлмаганлигини билдирди.

Фуқаро Саидов Олий таълим муассасига (кейинги ўринларда ОТМ) абитуриент сифатида тегишли ҳужжатларни топширди. Кириш имтиҳонларидан ўтолмаган абитуриент кейинчалик ҳужжатларни қайтариб олиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) орқали ҳужжатларини қайтариб беришни сўраб ОТМга мурожаат қилди. Аммо орадан 2 ой ўтсада ҳужжат топширган ОТМдан мурожаат бўйича жавоб берилмади.

Шундан сўнг, фуқаро ОТМга оғзаки мурожаат қилди. ОТМ масъул ходими Тошев ҳеч қандай электрон мурожаат олмаганлигини, агар шундай мурожаат қилинганда ҳам ҳужжатни шахсан ўзи келиб паспортини кўрсатган

ҳолда олиши лозимлигини айтди. Агар фуқаро шахсан келмаса ҳужжатлар берилмаслигини маълум қилди.

Бундан норози бўлган фуқаро Саидов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига шикоят қилди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **9-масала**

2017 йил март ойида Фуқаро Давлатов Ш. фуқаро Назаров Д.га нисбатан арзни ундириш бўйича даъво аризаси билан Андижон туманлараро судига мурожаат қилди. Андижон туманлараро суди судяси Ж. Ғаниев мазкур ишни кўриш вақтида фуқаро Давлатов Ш.нинг даъвоси ўзининг таниши фуқаро Назарова Д.га қарши қаратилганлиги билиб ишни кўриш мобайнида Назарова Д. тарафига ён босиб бир қатор ўз вазифасига нолайик бўлган ҳаракатларни содир этди. Натижада фуқаро Давлатов Ш.нинг даъвоси қаноатлантирилмади. Мазкур вазиятдан хабар топган фуқаро Давлатов Ш. ушбу ҳолатдан норози бўлиб судя Ж. Ғаниев Судялар олий кенгашига шикоят билан мурожаат қилди. Судялар олий кенгаши мазкур шикоятни кўриб чиқиб судя Ж. Ғаниевга нисбатан интизомий чора кўрди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **10-масала**

2014 йил Тошкент шаҳри Юнусобод туманида истиқомат қилувчи фуқаро А.Каримов ва фуқаро Ҳ.Азимовлар тадбиркорлик фаолиятида ўз омадларини синаб кўриш мақсадида китоб сотиш дўкони очиш таклифи билан ёшликдан бирга мактабда ўқиган синфдоши фуқаро Н.Муродовга таклиф билдиришади. Фуқаро Н.Муродов эса айни вақтда, Тошкент вилоятида бўлим прокурори сифатида фаолият юритар эди. Тошкент вилояти бўлим прокурори Н.Муродов га бу таклиф маъқул келади ва улар биргаликда “Китоблар дунёси” МЧЖ ни ташкил этишади. Бўлим прокурори лавозимида ишловчи фуқаро Н.Муродов ишдан бўш бўлган вақтларида ўз синфдошлари фуқаро А.Каримов ва фуқаро Ҳ.Азимовларга биргаликда ташкил этган “Китоблар дунёси” МЧЖга ташкилий-ҳуқуқий масалаларда ёрдам бериб келарди ва бунинг эвазига муайян ҳақ олиб келарди. Бундан хабар топган Прокуратура органлари ички хавфсизлик инспекцияси бўлим прокурори

Н.Муродовни мансаб вазифасини ўташ даврида “Китоблар дунёси” МЧЖ ни ташкил этганликда ҳамда китобларни олди-сотдиси орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганликда айблаб, унга нисбатан интизомий чора кўллаш ҳақида юқори турувчи прокурорга тақдимнома киритди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **11-масала**

Ички ишлар органи ходими З.Тўракулов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига 5 йил муддатга умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланди навбатдаги сайловларда у етарли овоз тўплай олмади ва депутатликка сайланмади.

Ички ишлар органи ходими З.Тўракулов Тошкент шаҳридаги иш билан таъминлашларини сўраб бандликка кўмаклашиш марказига ва ўзининг аввалги иш жойига мурожаат қилганда унга мазкур иш (лавозим)га бошқа ходим фаолият юритаётганлигини айтиб иш беришни рад этишди.

Бундан норози бўлган З.Тўракулов “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 9-модда (давлат органларидаги ёки ходимларнинг вакиллик органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишдан озод қилинган ходимларга сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколатлари тугагандан кейин аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса, аввалгисига тенг иш (лавозим) берилади)сига кўра уни иш таъминлашга мажбур эканлигини таъкидлаб ўтади.

Бандликка кўмаклашиш маркази ходими эса З.Тўракуловнинг ҳозирги ҳолати Ички ишлар органи ходими бўлишга нолайиқ эканлиги, яъни сиёсий партиёга мансублиги ва депутатлик фаолияти даврида соғлиғи ёмонлашганини таъкидлаб ўтади.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **12-масала**

2014 йил фуқаро А.Ниязов Тошкент давлат юридик университетига ўқишга кириш учун тегишли ҳужатларни топширди. Унинг ўртоғи Б.Рустамов А.Ниязовнинг отаси қонун ҳужжатларига мувофиқ хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар органи ходими

бўлганлигини, бундай ходимларнинг фарзандларига исталган ўқишга имтиҳонсиз кириш имтиёзи мавжудлигини айтиб маслаҳат беришди. А.Ниязов ўзининг бу каби ҳуқуқи борлигида фойдаланиб Тошкент давлат юридик университетига имтиҳонсиз қабул қилишларини талаб қилди. Бироқ Тошкент давлат юридик университети маъмурияти мазкур талабни рад этди. Барча фуқаролар тегишли имтиҳондан ўтгандан сўнггина талабалikka қабул қилинишларини тушунтиришди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **13-масала**

Тошкент шаҳрида жойлашган Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий-ҳарбий теника билим юртида профессор-ўқитувчилик лавозимларини эгаллаб турган ва илмий даражага эга бўлган бошлиқлар таркибидаги С.Намозов белгиланган чегарадаги ёшга тўлган ходим сифатида захирага ёки истеъфога чиқиши лозим бўлсада, у ишлаб туриб пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланиш фикрини билдирди. Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий-ҳарбий теника билим юрти кадрлари агар ишлаб туриб меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган бўлса, иш ҳақи таркибида ва пенсия миқдорида ўзгаришлар бўлиши (иш ҳақининг ярми ва пенсиянинг ярми сақланиши) тўғрисида огоҳлантирди. С.Намозов ўзининг профессор эканлигини ва шу ерда анча йилдан бери хизмат қилаётганлигини айтиб кадрлар бўлимига эътироз билдирди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **14-масала**

2016 йилнинг декабр ойида Қўқон шаҳар солиқ инспекцияси инспектори Ф.Салимов МДҲ давлатлар ўртасида ўтказилган Халқаро солиқ симпозиумида 1000 АҚШ доллар миқдорида мукофот олди. Ф.Салимов Ўзбекистон Республикасига қайтиб келгач, Қўқон солиқ инспекцияси бошлиғи К.Наимов ушбу мукофот давлат бюджетига ўтказилиши ҳамда ушбу мукофотни бериши кераклигини маълум қилди. Ф.Салимов эса бошлиғининг ҳаракатидан норози бўлиб, юқори турувчи органга мурожаат қилди. Ўтказилган тадбирда юқори турувчи орган томонидан 800 АҚШ доллар пул мукофотини бюджет даромадига ўтказиб юборилди. Қўқон солиқ

инспексияси бошлиғи К.Наимовга нисбатан қаттиқ хайфсан эълон қилинди. 200 АҚШ доллар олган Ф.Салимов қолган мукофотини олиш мақсадида Қўқон шаҳар прокуратурасига мурожаат қилди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **15-масала**

2012 йил 16 мартда Тошкент юридик коллежи директори А.Пардаевга Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан 2-даражали адлия маслаҳатчиси мартаба даражаси берилди. 2016 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасини бажарувчи шахс А.Олимов ўз лавозимидан озод этилди. 2016 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинланган А.Самадов Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 16 мартдаги мартаба даражаси бериш тўғрисидаги буйруғига эътироз билдирди ва уни бекор қилишни талаб қилди. Эътирозга асос қилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча мактаб, академик леций, коллеж ва олий ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бўйсунуши лозимлигини ҳамда уларнинг раҳбарларига унвон ёки мартаба бериш унинг ваколати эканлигини сабаб қилиб кўрсатди. 2016 йил 17 мартда эса Ўзбекистон Республикаси адлия вазири мартаба даражаси тўғрисидаги қарорни ўзгартирганлини ва бунга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг эътирози сабаб бўлмаганлигини билдирди.

Фуқаро Саидов Олий таълим муассасига (кейинги ўринларда ОТМ) абитуриент сифатида тегишли ҳужжатларни топширди. Кириш имтиҳонларидан ўтолмаган абитуриент кейинчалик ҳужжатларни қайтариб олиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) орқали ҳужжатларини қайтариб беришни сўраб ОТМга мурожаат қилди. Аммо орадан 2 ой ўтсада ҳужжат топширган ОТМдан мурожаат бўйича жавоб берилмади.

Шундан сўнг, фуқаро ОТМга оғзаки мурожаат қилди. ОТМ масъул ходими Тошев ҳеч қандай электрон мурожаат олмаганлигини, агар шундай мурожаат қилинганда ҳам ҳужжатни шахсан ўзи келиб паспортини кўрсатган

ҳолда олиши лозимлигини айтди. Агар фуқаро шахсан келмаса ҳужжатлар берилмаслигини маълум қилди.

Бундан норози бўлган фуқаро Саидов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига шикоят қилди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **16-масала**

Тошкент вилояти Калинин туман “Қорасув” совхози профсоюзи кўмитаси йиғилишининг 26.09.1987 йилдаги 12-сонли баённомаси ва Хонабод қишлоқ халқ депутатлари кенгашининг 8-сонли қарорига асосан аризачига уй-жой қуриши учун “Қорасув” совхози ҳудудидан 0,06 га ер участкаси ажратиб берилганлигини, бироқ Тошкент шаҳар ҳокимининг “Тошкент аэропорти атрофида таъмирлаш, ободонлаштириш, автотураргоҳлар ташкил қилиш ва бузилиш ишларини олиб бориш” ҳақидаги 30.12.2010 йилдаги 750-сонли қарорига асосан юқорида кўрсатилган ер участкаси жойлашган ҳудуд бузилиш ҳудудига тушганлигини ва шу сабабли ушбу ер участкасида қурилиш ишларини олиб бормаганликларини, аризачи Сергели туман ҳокимиятига мурожаат қилганида, ҳокимият мансабдор шахслари аризачига давлат эҳтиёжи учун олиб қўйилаётган ер участкаси эвазига бошқа ер бериш масаласи ушбу ҳудудда бузилиш ишлари амалга оширилаётган вақтда кўриб чиқилиши ҳақида маълум қилганликларини, ваҳоланки ҳозирда аризачи фарзандлари учун қўшимча турар жой қуриб беришга муҳтожлигини, лекин ҳокимият мансабдор шахсларининг ҳаракатсизлиги сабабли ер участкасини ололмаётганлигини кўрсатиб, шикоят аризасини қаноатлантиришни, ҳокимиятнинг аризачиги ер ажратиш талабини рад этиш кўринишидаги ҳаракатини ноқонуний деб топишни ва ҳокимият зиммасига давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилаётган 0,06 га ер участкасига мутаносиб бошқа ер участкаси ажратиб бериш мажбуриятини юклашни сўраб, судга шикоят қилган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*



## 17-масала

Фуқаро С. 26 ноябрь 1984 йилда туғилган ва бу ҳақида Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Ватан ҚФЙ томонидан 26.11.1984 йилда №495-сонли далолатнома ёзуви қайд этилган.

Лекин, фуқаро С.нинг бошқа ҳуқуқ туғдирувчи ҳужжатлари, шу жумладан Пайариқ туман ФХДЁ бўлими томонидан 21.10.2003 йилда №593-сон билан қайд этилган никоҳ тузилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида, 12.06.2002 йилда №1502-сон билан қайд этилган фарзанди Шайхов Илғор Шахобиддин ўғлининг туғилганлик далолатнома ёзувидаги “Онаси” устунида, Учтепа туман ФХДЁ бўлимининг 04.12.2003 йилда №2311-сон билан қайд этилган қизи Шайхова Ирода Шахобиддин қизининг ҳамда 09.10.2006 йилда №2108-сон билан қайд этилган қизи Шайхова Фарангиз Шахобиддин қизининг, 29.03.2011 йилда №715-сон билан қайд этилган ўғли Шайхов Абдувоҳид Шахобиддин ўғлининг туғилганлик далолатнома ёзувидаги “Онаси” устунида, энг асосийси Учтепа туман ИИБ ХЧК ва ФБ томонидан 21.02.2017 йилда берилган фуқаролик паспортини олишда Форма №1 шаклдаги аризасида туғилган вақти 02.11.1981 йил деб кўрсатилган.

Шу муносабат билан Фуқаро С Самарқанд вилояти Пайариқ туман ФХДЁ бўлимига унинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида ўзгартириш киритиб бериш тўғрисида мурожаат қилган.

Самарқанд вилояти Пайариқ туман ФХДЁ бўлимининг хулосасига кўра фуқаро С.га далолатнома ёзувини ўзгартириш, тузатиш ва тўлдириш тўғрисида рад хулоса берилган.

*Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## 18-масала

Фуқаро М. туман прокуратурасига шикоят билан мурожаат қилиб, туман ИИБ паспорт бўлими томонидан унга фуқаролик паспортидаги доимий яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар қайд этувчи муҳрнинг мавжуд эмаслиги ва унинг бир неча бор мурожаат этишига қарамасдан унинг ушбу қонуний талаби амалга оширилмаётганлиги бўйича норозилигини билдирган.

Прокуратура органи томонидан шикоятни кўриб чиқиш давомида туман ИИБ паспорт бўлими томонидан қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя қилмаслик ҳамда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда сансалорликка йўл қўйилиши ҳолатлари аниқланган. Хусусан, туман ИИБ

паспорт бўлими фуқаро М. га 45 ёшга тўлганлиги муносабати билан фуқаролик паспортини расмийлаштирилиб берганлиги, лекин доимий яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар қайд этилмагани аниқланган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **19-масала**

Фуқаро С. ўзи яшаб турган Чилонзор туман Шарқ кўчаси, 8-уй, 12-хонадонда турган жойи бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтиш мақсадида расмийлаштириш ишлари учун дастлаб турар жойнинг ёхуд унинг бир қисмининг ижара шартномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси зарурлигини билган ҳолда ижара шартномаси учун мазкур ҳудуд паспорт ишларни юритиш бўйича ходимга “17-шакл” маълумотномасини олиш мурожаат қилди. Паспорт ишларни юритиш бўйича ходим “17-шакл” маълумотномасини тўлдириб берди ва тасдиқлатиш учун муҳрни ХУМШ (хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати) ходимида эканлигини айтди.

Фуқаро С. “17-шакл” маълумотномасини тасдиқлатиш учун ХУМШ ходимига мурожаат қилган вақтда ХУМШ ходими фуқаро С.га Чилонзор туман Шарқ кўчаси, 8-уй, 12-хонадоннинг коммунал тўловлардан қарздорлиги борлиги учун муҳр босиб бермаслигини билдирди. Мазкур ҳолатдан норози бўлган фуқаро С. қарздорлиги бор хонадонларга маълумотномани тасдиқлаб бермасликнинг ҳуқуқий асосини сўраганида ХУМШ ходими юқоридан шундай топшириқ берилганлиги ва ХУМШ ходими Чилонзор туман Шарқ кўчаси, 12-хонадон, 8-уй жойлашган маҳалла фуқаролари йиғини ва ХУМШ нинг ўзаро келишган ҳолда тасдиқланган ҳужжатини кўрсатиб асослайди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **20-масала**

Фуқаро И.га Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар Яккасарой туман бўлимининг қарорига асосан 2012 йил апрель ойидан умумий 9 йил 6 ой 9 кунлик иш стажи билан ёшга доир пенсия тайинланган ва пенсия миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг ойлик иш ҳақи ва пенсиялар миқдорини ошириш тўғрисидаги фармонлар асосида ошириб келинган.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар Яккасарой туман бўлими пенсия ва ижтимоий нафақалар тайинлаш комиссиясининг 2015 йил 23 ноябрь кунги 375-сонли қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси “Давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 65-моддасига асосан Фуқаро Ининг пенсия ишида аниқланган 3.425.852,50 сўм ортиқча тўловлар ҳар ойлик пенсия тўловидан 50% миқдорида чегириб бериш белгиланган.

Шу муносабат билан Фуқаро И. судга шикоят ариза билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар Яккасарой туман бўлими пенсия ва ижтимоий нафақалар тайинлаш комиссиясининг 2015 йил 23 ноябрь кунги 375-сонли қарорини ноқонуний деб топишни ва пенсия жамғармаси зиммасига пенсиясидан чегирмаларни тўхтатиш мажбуриятини юклатишни сўраган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## **21-масала**

Фуқаро У. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мансабдор шахсларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатига нисбатан шикоят билан мурожаат қилиб, 1999 йилдан бошлаб Ички ишлар идораларида ишлаб келганлигини, 2015 йилда соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли, Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти номига нафақага чиқиш ҳақида билдирги билан бир неча бор мурожаат қилганлигини, 2017 йил 2 апрелдан бошлаб Жомбой туман ИИБга профилактика инспектори лавозимига ўтказилганлигини, шундан сўнг Жомбой туман ИИБ раҳбариятига мурожаат қилиб нафақага чиқишини расмийлаштиришни сўраганлигини, лекин бу мурожаати ҳам жавобсиз қолганлигини, кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси ИИБ зиммасига 28.07.2016 йилда почта орқали юборган ишдан бўшатиш тўғрисидаги аризаси ижросини таъминлашни мажбуриятини юклатишни ҳамда хизматдан бўшатиш ҳақидаги бўшатиш ҳақидаги Самарқанд вилояти ИИБнинг 2016 йил 30 апрелдаги буйруғини, 2016 йил 18 апрелдаги хизмат текшируви ҳулосасини бекор қилишни ва нафақага чиқишини расмийлаштириш мажбуриятини юклашни сўраган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## 22-масала

Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси фуқаро В. манфаатида жавобгар Тошкент шаҳар Яккасарой туман қақирув комиссиясига нисбатан туман қақирув комиссиясининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Тошкент шаҳар Яккасарой туман мудофаа ишлари бўлимида ташкил этилган туман қақирув комиссияси 1996 йилда туғилган В.ни кўриқдан ўтказиб, ҳарбий хизматга яроқли деб топиб, 26.04.2015 йилда уни сафарбарлик қақирув резерви хизматига олиш ҳақида қарор қабул қилганлигини, мазкур қарор амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолда қабул қилинганлигини, В. олий таълим муассасасида тахсил олаётганлигини, бу ҳолат туман комиссияси томонидан эътиборга олинмаганлигини кўрсатиб, Тошкент шаҳар Яккасарой туман қақирув комиссиясининг 26.04.2015 йилдаги қарорининг 39/26 бандини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## 23-масала

Фуқаро У. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Қўйлиқ-5 мавзеси, 2-уй, 7-хонадонда туғилиб шу кунга қадар шу хонадонда яшашини, ушбу хонадон отаси Х. болалар уйи тарбияланувчиси бўлганлиги ва иш жойидан олган тан жароҳатини инобатга олиб Сергели туман ҳокимлиги томонидан 1999 йил 6 апрелда ажратилганлигини, отаси иш жойида олган тан жароҳати оқибатида ётиб қолганлигини ва кейинчалик вафот этганлигини, отаси вафотидан кейин Сергели туман ҳокимлигига мурожаат қилиб у яшаётган Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Қўйлиқ-5 мавзеси, 2-уй, 7-хонадонни коммунал уй-жой фондидан турар-жой фондига ўтказишни ва ушбу хонадонни унинг номига хусусийлаштириб беришни сўраб ариза билан мурожаат қилган, лекин Сергели туман ҳокимлиги аризачи талабларини қаноатлантиришни рад этди, аризачи Сергели туман ҳокимлигининг ушбу жавоб хатидан норози бўлиб, Сергели туман ҳокимлигининг хатини ғайриқонуний деб топишни сўраб судга шикоят қилган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## 24-масала

Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Спутник-17/18 мавзеси, 4-уй, 13-хонадон Ички Ишлар Вазирлигининг Хўжалик бошқармаси томонидан оиласи билан яшаши учун 12.11.1999 йилда ажратиб берилганлигини, Ички Ишлар Вазирлигининг 09.01.2007 йилдаги 10/21 сонли мурожаатига асосан Тошкент шаҳар ҳокимининг 13.01.2007 йилдаги 183-сонли қарорига кўра низоли хонадон Сергели туман ҳокимлиги тасарруфига топширилганлигини ва Сергели туман ҳокимининг 14.03.2007 йилдаги 104-сонли қарорига кўра низоли уй-жой ҳокимлик тасарруфига ўтказилганлигини, у низоли хонадонни хусусийлаштириб беришни сўраб Сергели туман ҳокимиятига бир неча маротаба мурожаат қилганлигини, лекин низоли хонадон ИИВ хизмат уйи бўлганлиги сабабли хусусийлаштиришни рад этиб жавоб хати берганлигини, у Сергели туман ҳокимлигининг ушбу жавоб хатидан норози эканлигини билдириб Сергели туман ҳокимиятининг 2015 йил 31 декабрдаги №03-759 сонли жавоб хатини ғайриқонуний деб топишни ва Сергели туман ҳокимияти зиммасига Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Спутник-17 мавзеси, 4-уй, 13-хонадонни унинг номига хусусий мулк қилиб бериш мажбуриятини юклашни сўраб, судга шикоят қилган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## 25-масала

Фуқаро Саидов Олий таълим муассасига (кейинги ўринларда ОТМ) абитуриент сифатида тегишли ҳужжатларни топширди. Кириш имтиҳонларидан ўтолмаган абитуриент кейинчалик ҳужжатларни қайтариб олиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) орқали ҳужжатларини қайтариб беришни сўраб ОТМга мурожаат қилди. Аммо орадан 2 ой ўтсада ҳужжат топширган ОТМдан мурожаат бўйича жавоб берилмади.

Шундан сўнг, фуқаро ОТМга оғзаки мурожаат қилди. ОТМ масъул ходими Тошев ҳеч қандай электрон мурожаат олмаганлигини, агар шундай мурожаат қилинганда ҳам ҳужжатни шахсан ўзи келиб паспортини кўрсатган ҳолда олиши лозимлигини айтди. Агар фуқаро шахсан келмаса ҳужжатлар берилмаслигини маълум қилди.

Бундан норози бўлган фуқаро Саидов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига шикоят қилди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **26-масала**

2014 йил 20 март куни фуқаро Рашидов К. нафақа ёшига етгани муносабати билан туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилди. Ижтимоий таъминот масъул ходими фуқаро Рашидов К.га олиб келиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатини тақдим қилди. 2014 йил 10 май куни фуқаро Рашидов К. талаб этилган ҳужжатларни йиғиб келиб ижтимоий таъминот бўлими ходимига тақдим қилди. Ходим керакли ҳужжатларни қабул қилиб олгач фуқаро Рашидов К. га бир ойдан кейин келишини айтди. Шу орада Рашидов К. оғир бетоб бўлиб қолди ва икки ой давомида даволанишга тўғри келди. Икки ойдан сўнг туман ижтимоий таъминот бўлимига келди. Бўлим ходими фуқаро кечикканлиги туфайли яна бир ойдан кейин келишини айтди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **27-масала**

“Камол” фирмаси озиқ-овқат моллари сотишга ихтисослаштирилган савдо комплексини қуришни режалаштирди. Савдо комплексини қурилишининг электро монтаж босқичига келганда лойиҳалаш ва электро монтаж ишларини амалга ошириш учун жалб қилинган “SOFT” пудратчи фирмаси объектнинг энергия таъминоти лойиҳа ( қуввати 10 кВтдан ортиқ)сига хулоса олиш учун 2014 йил 21 сентябрь куни ариза (бошқа талаб этилган ҳужжатлар билан бирга) билан «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг ҳудудий бўлимига мурожаат қилди. Ариза қабул қилингандан 12 кун ўтишига қарамасдан «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг ҳудудий бўлими хулоса бермади. “SOFT” пудратчи фирмаси директори мазкур ҳолат бўйича 2014 йил 4 октябрь куни «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг ҳудудий бўлими масъул шахсини лойиҳани тасдиқлатмаган ҳолда қуришни монтаж ишларини амалга оширишни бошлашлиги тўғрисида огоҳлантирди ва монтаж ишларини бошлаб юборди. Савдо комплекси бир ойдан сўнг тўлиқ битказилди. “Камол” фирмаси раҳбари электр ўлчагич ўрнатиш ва истеъмолчи сифатида рўйхатга

олиш бўйича тегишли органга мурожаат қилди. Лекин, ваколатли орган савдо комплексини монтаж ишлари Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг худудий бўлими томонидан тасдиқланмаган лойиҳа асосида амалга оширилганлигини асос қилиб, мурожаатни рад этди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## **28-масала**

2014 йил 10 сентябрь куни фуқаро Содиков Д. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани солиқ инспекцияси томонидан мол-мулк солиғини тўлаш тўғрисида тўлов хабарномасини олди. Фуқаро тўлов хабарномасида назарда тутилган 110 000 (бир юз ўн минг ) сўм солиқ суммасини ўз вақтида хабарномада кўрсатилган миқдорда тўлади. 2014 йил 22 сентябрь куни фуқаро Содиков Д. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани солиқ инспекциясига иш жойига тақдим этиш учун мол-мулк солиғидан қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани олгани борганда солиқ суммасини 23 000 (йигирма уч минг) сўм кўпроқ тўлагани маълум бўлди. Мазку ҳолат бўйича фуқаро солиқ органига мурожаат қилди. Солиқ органи бунга сабаб сифатида тўлов хабарномасида солиқ суммаси солиқ инспекцияси ходимининг эътиборсизлиги туфайли ошириб кўрсатилганлигини, ортиқча тўланган солиқ суммасини фуқаро Д. томонидан 2015 йил учун тўланадиган мол-мулк солиғи сифатида ўтказиб юборилишини маълум қилди. Лекин, фуқаро Содиков Д. 2015 йилда ўзига тегишли бўлган мол-мулкларни сотиб юбориши мумкинлигини айтиб, ортиқча тўланган солиқ суммасини зудлик билан унга қайтариб берилишини талаб қилди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## **29-масала**

Фуқаро Б. нодавлат ўқув маркази очиш мақсадида лицензия олиш учун Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этди. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси лицензия беришга оид мазкур ишни кўриб чиқиб сабабларини келтирган ҳолда лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор

қабул қилди. Фуқаро Б. лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, 7 кун ичида қайта кўриб чиқишга тақдим этди. Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси томонидан яна қайта йиғим тўлаш ва рад этиш тўғрисида қарорда кўрсатилмаган бошқа камчиликларни сабаб қилиб 30 кун мобайнида яна рад қилиш тўғрисида қарор чиқарди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **30-масала**

Фуқаро А. Тошкент шаҳри, Чилонзор туманида жойлашган “Чилонзор буюм бозори” ҳудудида кийим-кечак моллари билан савдо қилиш мақсадида дўкон ташкил этиш ва якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш мақсадида Чилонзор туман ҳокимияти ҳузуридаги – Тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекциясига мурожаат қилди.

Тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекцияси тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш, уни бериш ёки рад этиш муддати ўтгандан 3 ойдан кейин ҳам фуқаро А.га тегишли тартибда рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатни бермади ва рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни хабар қилмади. Натижада фуқаро А. “Чилонзор буюм бозори” ҳудудида кийим-кечак молларини савдо қилиш фаолияти билан шуғуллана бошлади.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **31-масала**

Аризачи И. “COSCOM” МЧЖ хорижий корхонаси бош директорининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят билан мурожаат этиб, у “COSCOM” МЧЖ хорижий корхонасида юрисконсулт лавозимида ишлаб келаётганлигини, у директорнинг 2014 йил 24 ноябрдаги №426 “ЛС”-сонли буйруғига асосан компания ходими А.ни ҳуқуқий масалалар бўйича департамент директори лавозимига ўтказилганлиги, А. маълумотига кўра Москва тадбиркорлик ва ҳуқуқ институти томонидан берилган дипломга эга эканлиги, бироқ, унинг дипломи белгиланган тартибда нострификация қилинмаганлиги, шу сабабли у мазкур лавозимда ишлай олмаслигини кўрсатиб, “COSCOM” МЧЖ



хорижий корхонаси директори зиммасига А.ни ҳуқуқий масалалар бўйича департамент директори лавозимига ўтказиш тўғрисидаги 2014 йил 24 ноябрдаги №426 “ЛС”-сонли буйруқни ва компания билан А. ўртасида тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш мажбуриятини юклашни сўраб судга шикоят қилган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **32-масала**

Самарқанд вилоятида яшовчи фуқаро Азимов Л. 2014 йил Тошкент давлат юридик университетига ўқишга қабул қилинди. Университетнинг Талабалар турар жойи ( Олмазор туманида жойлашган) да яшаш учун турар жой сўраб маъмурият номига ариза ёзди. Маъмурият Азимов Л.нинг аризасини қаноатлантириб, унга Талабалар турар жойидан хона ажратиб берди ва вақтинчалик қайд вароғини олиш учун Талабалар шаҳарчасидаги масъул Милиция таянч пункти инспекторига мурожаат қилишини айтди. Азимов Л. МТПдан талабалар учун бериладиган 4 йиллик вақтинчалик қайд вароғини олди. 2015 йил Талабалар турар жойида жой етишмаслиги туфайли ижара асосида Чилонзор туманидаги хонадонлардан бирида яшай бошлади. Ўша ҳудуддаги МТП инспектори Азимов Л. яшайдиган хонадонга келиб, ундан вақтинчалик қайд вароғини сўради. Бунга жавобан талаба Талабалар шаҳарчасида олган қайд вароғини кўрсатди. Участка нозири ушбу қайд вароғи Чилонзор туманида яшаш ҳуқуқи бермаслигини таъкидлаб ўтди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **33-масала**

Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси Тошкент вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи К.Азизов Бекобод металлургия комбинатида газ таъминоти ва газдан фойдаланиш қоидалари бўйича Инспекция томонидан қабул қилинган қарор ижроси юзасидан текширувни олиб бормоқчи бўлди.

2016 йил 12 декабрь куни мазкур талаб билан комбинат директори Л.Бойисовга мурожаат қилди. Бунга жавобан, директор Л.Бойисов К.Азизовни бунга ваколати йўқлигини, комбинат инспекцияга

буйсунмаслигини айтиб, фақат прокуратура органлари бунга ваколатлигини ва фақат улар қонунларни бажарилиши устидан назорат қилишга ҳақли эканлигини важ қилиб келтирди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **34-масала**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигини тугатиш ва Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида” қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда янги ташкил этилган қўмита фаолиятига оид қоидалар билан бир қаторда, қўмита марказий девони ходимлари сони ва уларнинг таъминотига ажратиладиган маблағлар миқдори ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири эса ушбу қарорга нисбатан ўз эътирозини билдириб, Давлат қўмиталари, вазирликлар ва давлат бошқарувининг бошқа органлари Вазирлар Маҳкамасига буйсунганлиги сабабли ушбу органларнинг марказий девони ходимлари сони ва улар таъминотига ажратиладиган маблағлар миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши лозимлигини билдирди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **35-масала**

Фукаро М. судга ариза билан шикоят қилиб, Тошкент шаҳар, Шайхантохур тумани, Оқтепа мавзеси, 12-уй, 13-хонадон 2006 йил 04 февраль кунги олди-сотди шартномасига асосан унга тегишли эканлигини, ушбу хонадонга 09.03.2006 йилда Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан таъқиқ қўйилганлигини, у ушбу таъқиқни бекор қилиш юзасидан Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасига ариза билан мурожаат қилганлигини, лекин нотариал идоранинг 19.04.2017 йилдаги № 519 сонли жавоб хати билан хонадонга унинг собиқ турмуш ўртоғи З.нинг аризасига асосан таъқиқ қўйилганлиги сабабли таъқиқни бекор қилиш учун З. нинг таъқиқни ечиш ҳақидаги ёки суднинг ажрими асос бўлишини кўрсатиб унинг аризасини рад қилганлигини, нотариал идоранинг ушбу ҳаракатларидан норози эканлигини билдириб, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал

идорасининг 19.04.2017 йилдаги № 519 сонли жавоб хатини ноқонуний деб топишни, Яккасарой туман 1-сонли давлат нотариал идораси зиммасига Тошкент шаҳар, Шайхантохур тумани, Оқтепа мавзеси, 12-уй, 13-хонадонга 09.03.2006 йилда қўйилган таъқиқни бекор қилиш мажбурияти юклашни сўраган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **36-масала**

Судга аризачи И. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мансабдор шахсларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатига нисбатан шикоят билан мурожаат қилиб, 1999 йилдан бошлаб Ички ишлар идораларида ишлаб келганлигини, 2015 йилда соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти номига нафақага чиқиш ҳақида билдирги билан бир неча бор мурожаат қилганлигини, 2016 йил 1 март дан бошлаб Яшнобод туман ИИБга профилактика инспектори лавозимига ўтказилганлигини, шундан сўнг Бекобод туман ИИБ раҳбариятига мурожаат қилиб нафақага чиқишини расмийлаштиришни сўраганлигини, лекин бу ҳам жавобсиз қолганлигини, кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси ИИБ зиммасига 28.07.2016 йилда почта орқали юборган аризаси ижросини таъминлашни юклатишни, хизмат бўшатиш ҳақидаги бўшатиш ҳақидаги Тошкент вилояти ИИБнинг 2016 йил 30 апрелдаги буйруғини, 2016 йил 18 апрелдаги хизмат текшируви хулосасини бекор қилишни, ва нафақага чиқишини расмийлаштириш мажбуриятини юклашни сўраган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **37-масала**

Судга фуқаро С.Шоирова Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар Сергели туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларига нисбатан шикоят аризаси билан мурожаат этган.

Суд мажлисида аризачи С.Шоирова, шикоят аризани қувватлаб, ўз кўرғазмаларида, турмуш ўртоғи А.Шоиров билан биргаликдаги турмушларидан 1988 йил 4 август куни туғилган Киргизбоева Зулфия Абдуманоповна исмли ногирон фарзандлари борлигини, қизи туғилган

пайтдан ногиронлигини, уни мактабгача таълим муассасасига ва мактабга олишмаганликларини, шунинг учун ўқиш ва ёзишни билмаслигини, болалиқдан ногирон фарзанди борлиги сабабли 50 ёшдан пенсия олиш учун пенсия жамғармаси Сергели туман бўлимига мурожаат қилганлигини, пенсия жамғармасининг 2016 йил 03 февраль кунги жавоб хати билан унга рад жавоби берилганлигини, пенсия жамғармасининг ушбу ҳаракатларидан норози эканлигини, чунки пенсия жамғармасининг берган жавоб хатида “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси “з” бандига асосан болалиқдан ногирон бўлган фарзандларнинг оналари 8 ёшгача тарбиялаган бўлса, иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда, умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олишлари мумкин деган важ билан унга имтиёзли пенсия тайинлашни рад этганлигини, қизи З.Киргизованинг болалиқдан ногиронлиги ҳақида Тошкент ихтисослаштирилган ТМЭК томонидан 2002 йил 31 август куни 03 серияли А№016298 рақамли маълумотномаси тақдим қилганлигини, бу маълумотномада фарзанди болалиқдан ногиронлиги кўрсатилганлигини, фарзандини 8 ёшдан бугунги кунга қадар тарбиялаб келаётганлигини кўрсатиб, пенсия жамғармаси Сергели тумани бўлимининг унга нисбатан 50 ёшдан имтиёзли пенсия тайинлашни рад этиш ҳақидаги қарорини ва жавоб хатини ғайриқонуний деб топиб, пенсия жамғармаси бўлимига унга имтиёзли асосларда пенсия тайинлаш мажбуриятини юклатишни сўради.

*Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **38-масала**

Фуқаро Н. 2016 йил 17 октябрь куни Юнусобод туман давлат солиқ инспекциясига келиб, фуқаро Собировга тегишли бўлган Қаландар кўчасида жойлашган 13-14- дўконлар ва фуқаро Акмаловга тегишли бўлган 25-26- дўконлар учун жорий йил солиқлардан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома беришни сўраб мурожаат қилди. Солиқ инспекцияси ходимлар фуқаро Н. дан ишончнома ва тегишли ҳужжатларни сўрашганида фуқаро Н. солиқ ходимларига Юнусобод туман 1-сон нотариал идорасидан №67 сон билан тасдиқланган ишончномани ва мазкур кўчмас мулкларга тегишли ҳужжатларни тақдим қилди. Шунингдек, фуқаро Н. дўкон эгалари

мазкур ҳаракатларни амалга оширганлиги учун келишган ҳолда пул бериб туришларини маълум қилди.

Мазкур ҳолат бўйича солиқ инспекцияси ходимлари фуқаро Н.га нисбатан Ўзбекистон Республикасининг МЖТК 165-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб ҳужжатларни расмийлаштирди ва жиноят ишлари бўйича туман судига ишни кўриб чиқиш учун юборди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **39-масала**

2014 йилнинг июн ойида «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ бош директори В.Комилов ўриндошлик асосида Тошкент шаҳрида жойлашган мактаблардан бирига директор ўринбосари лавозимига тайинланади. 2014 йилнинг сентябрь ойида мактаб фаолияти билан боғлиқ масала бўйича чет элга бориш мақсадида 2 йил мобайнида амал қиладиган рухсатнома ёзуви стикери расмийлаштириш учун Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига мурожаат қилади. Бошқарма ходими В.Комиловни чет элга чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан махсус келишувни талаб қилади. В.Комилов чет элга «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ масаласи бўйича эмас, балки мактаб масаласи бўйича кетаётганлигини таъкидлайди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **40-масала**

Фуқаро Ш. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Ўзбекистон кўчаси 6/1-уйда туғилиб, шу уйда доимий рўйхатда бўлиб катта бўлганлигини, бу хонадон онаси Н. 1994 йил 10 февралдаги уй-жойнинг шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномасига асосан тегишли бўлиб, уй-жойни хусусийлаштиришда у ҳам иштирок этганлигини, 1999 йил 19 июлда фуқаро А.га турмушга чиқиб Зангиота тумани, Бўз-сув қ.ф.й., Гулистон маҳалласига келин бўлиб тушганлигини ва у Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Ўзбекистон кўчаси 6/1-уйнинг доимий рўйхатдан ўтиб Зангиота туманига доимий рўйхатга ўтганлигини, кейинчалик А. билан муносабатлари ёмонлашиб никоҳдан ажрашганлигини, икки нафар фарзандлари билан

2006 йилдан Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Ўзбекистон кўчаси 6/1-уйда яшагани, 2006 йил 13 июлда Зангиота туманидаги уйдан доимий рўйхатдан ўчириб юборганлигини, у Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Ўзбекистон кўчаси 6/1-уйга доимий рўйхатга ўтиш учун дастлаб Олмазор туман ҳокимлигига, кейинчалик Олмазор тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ бўлимига муурожаат қилганлигини, лекин Олмазор тумани ИИБ ХЧК ва ФРБнинг жавоб хати билан унинг аризаси рад қилинганлиги, шундан сўнг судга муурожаат қилиб, Олмазор тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ зиммасига уни икки нафар вояга етмаган фарзандлари билан у Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Ўзбекистон кўчаси 6/1-уйга доимий рўйхатга ўтиш мажбуриятини юклашни сўраган.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **41-масала**

Бухоро вилоятида яшовчи фуқаро Комилов Ф. ўзи яшайдиган худуддаги дорихонадан дори сотиб олди. Шифохонага олиб борганда шифокор дори воситасининг муддати ўтиб кетганлиги айтди ва дорихона устидан Соғлиқни сақлаш бошқармасига шикоят қилиши лозимлигини айтди. Шифокорни гапига кулоқ солиб, бошқармага шикоят аризасини ёзди. Бошқарма дорихона устидан фавқулодда тафтишлар ўтказиш тўғрисида қарор чиқарди. Бошқарма ходимлари дорихонага борганда, дорихона эгаси бошқарманинг фавқулодда тафтишлар ўтказиш бўйича ваколоти йўқлиги айтди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **42-масала**

Фуқаро Д. яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг туризм соҳасида фаолият юритиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг туризм фаолиятини лицензиялаш комиссиясига ариза, яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси ва гид (экскурсовод)нинг малака сертификати нусхасини тақдим этди. Вазирлар Маҳкамасининг туризм фаолиятини лицензиялаш комиссияси 5 кундан

кейин фуқаро Д.га у томонидан тақдим этилган ҳужжатлардан якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ва гид (экскурсовод)нинг малака сертификати нусхаси нотариал тасдиқлатилмагани ва ушбу камчиликни бартараф этиш учун 5 кун вақт берилиши тўғрисида хабардор қилди. Фуқаро Д. мазкур ҳолат бўйича лицензия талабгоридан “Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низом назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилиш деб ҳисоблаб судга мурожаат қилди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **43-масала**

Якка тадбиркор сифатида туризм фаолияти билан шуғулланувчи фуқаро Д. Америка Қўшма Штатларидан келиб Тошкент шаҳридаги меҳмонхоналардан бирига жойлашган бир гуруҳ сайёҳларни Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларни айлантирди ва сайёҳларга Самарқанд шаҳрини айлантиришни таклиф этди. Сайёҳлар фуқаро Д.дан Самарқанд шаҳрида 1 кеча тунаб қолишлари учун меҳмона бронь қилиб беришни ва уларни меҳмонхонага олиб бориб жойлаштириб беришини сўрашди. Фуқаро Д. сайёҳлар учун Самарқанд шаҳрида жойлашган меҳмонхоналардан бирини бронь қилдирди ва эртаси куни уларни ушбу меҳмонхонага олиб бориб жойлаштирди. Мазкур ҳолат бўйича меҳмона ходими орқали хабар топган «Ўзбектуризм» миллий компаниясидаги назорат қилувчи ишчи органи меҳмона ходими ва фуқаро Д. нинг берган тушунтиришларига асосан фуқаро Д.нинг ҳаракатини туризм соҳасида фаолият юритиш учун берилган лицензияда кўрсатилмаган хизмат тури билан шуғулланиш орқали лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини қўпол равишда бузиш деб топиб лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Фуқаро Д. мазкур қарордан норози бўлиб судга мурожаат қилди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **44-масала**

Фуқаро Т. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент туман уй-жойдан фойдаланиш қисми мансабдор шахсларининг хатти-

ҳаракатлари устидан шикоят билан мурожаат этиб, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Олмазор -7 мавзеси, 42-уй, 65-хонадон унга Тошкент шаҳар уй-жой бошқармасининг хатига кўра Тошкент шаҳар ҳокимилиги томонидан 27.04.2010 йилда 004 серияли № 00218 ордерига асосан яшаш учун ажратилганлигини, у Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимида 1994 йилдан 2011 йилга қадар шартнома асосида хизмат қилганлигини, Қуролли кучлар билан тузилган шартнома суд ҳукми туфайли 2011 йилда Қуролли кучлар сафидан захирага бўшатирилганлигини, нафақага чиқиши муносабати билан унга хизмат хонадони сифатида ажратилган Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Олмазор -7 мавзеси, 42-уй, 65-хонадонни унинг номига хусусийлаштириш масаласида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент гарнизони Тошкент тумани уй-жойдан фойдаланиш қисмининг Уй-жойларни Мудофаа Вазирлиги ҳисобидан чиқариш комиссиясига мурожаат қилиб унга ажратилган хонадонни Мудофаа вазирлиги ҳисобидан ечишни сўраган, унинг мурожаати рад этилган, бунга сабаб қилиб фуқаро Т. ни Мудофаа вазирлиги сафида хизмат қилган йили 20 йилдан камлиги, яъни 16 йилу 9 ой эканлигини асос қилиб келтирилган, шундан сўнг у судга шикоят қилган.

*Мазкур масалага ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **45-масала**

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида фуқаро М. Тошкент шаҳар адлия бошқармасига лицензия бериш тўғрисидаги ариза (фамилияси, исми, отасининг исми ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг маълумотлари кўрсатган ҳолда), Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг нусхаси, олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси, меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси, талабгор тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган шахсий варақа, малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисидаги малака комиссиясининг қарорининг ва аризани адлия органи кўриб чиқиши учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этди. Орадан бир ой ўтгач адлия бошқармасидан лицензия бериш тўғрисида қарор бўйича ҳеч қандай хабар бўлмагач мазкур масала бўйича фуқаро М.нинг ўзи адлия бошқармасига мурожаат этди. Адлия бошқармаси масъул



ходими фуқаро М.нинг тақдим этган ҳужжатлар мустақил экспертизадан ўтказиш зарурлиги учун адлия бошқармаси раҳбари томонидан кўриб чиқиш муддати узайтирилганини маълум қилди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **46-масала**

Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро З.нинг 15 ёшида унинг ота-онаси бевақт оламдан кўз юмди. Суд Фуқаро З.нинг вояга етмаганлигини инобатга олиб унинг бирдан бир яқин қариндоши ҳисобланувчи, ҳозирги вақтда оилали, ўз оиласи билан Тошкент шаҳри Учтепа туманида доимий рўйхатда турувчи опаси фуқаро Н.ни фуқаро З.га ҳомий қилиб белгилади. Суд қарорига мувофиқ фуқаро З. опаси фуқаро Н. билан бирга яшаш учун унинг уйига кўчиб келди ҳамда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтиш учун Учтепа тумани ИИБ га керакли ҳужжатларни топширди. Лекин Учтепа тумани ИИБ томонидан фуқаро З. Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўта олмаслигини, унинг опаси фуқаро Н. орқали фақатгина унинг турмуш ўртоғи ҳамда фарзандлари доимий рўйхатга кўйилиши мумкинлиги таъкидланди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **47-масала**

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида фуқаро А. ўзи жойлашган ҳудуддаги Адлия бошқармасига мурожаат қилди. Адлия бошқармаси фуқаро А.нинг ҳужжатлари билан танишиш давомида унинг адвокатлик тузилмасида стажировка ўтамаганлигини асос қилиб кўрсатиб, лицензия беришни рад этди. Бунга жавобан фуқаро А. ўзининг юридик соҳада 3 йиллик стажга эга эканлигини ва қийинчиликларсиз малака имтихонини топшира олишини, стажировка ўтамаган бўлишига қарамасдан ҳам адвокатлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликдан яхши хабардорлигини эътироф этди ҳамда лицензия беришни илтимос қилди. Агар лицензия беришни рад этса, асоссиз равишда лицензия беришни рад этганлиги учун Адлия бошқармаси устидан Фуқаролик ишлари бўйича судга шикоят қилишини маълум қилди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **48-масала**

Навоий вилоят ҳокими томонидан вилоят ҳудудини ободонлаштириш мақсадида вилоят ҳудудидаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларга маълум белгиланган ҳудуд ажратиб берилди ва ушбу ҳудудни инфратузилмасини ривожлантириш ва кўкаламзорлаштиришни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширишлари тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Аммо, Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона маъмурияти вилоят ҳокими қарори улар учун мажбурий характерга эга эмаслигини ва у Эркин индустриал-иқтисодий зоналар бўйича республика маъмурий кенгаш орқали фаолиятини амалга оширишини ҳамда эркин индустриал-иқтисодий зоналарга берилган имтиёзларни важ қилиб, қарор ижросини амалга оширмаслигини маълум қилди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **49-масала**

Фуқаро А. ўз фуқаролик паспортини биометрик паспортга алмаштириш мақсадида Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига мурожаат қилди. Мазкур бўлим фуқаро А. нинг мурожаатига биноан ўз паспортини 1 ойдан сўнг олиши мумкинлигини маълум қилди. Бу орада фуқаро А. ўз паспортини олиш муддатини ҳисобга олиб чет элда ишлаш учун билет сотиб олди. Белгиланган муддат ўтганидан сўнг фуқаро А. биометрик паспортини олиш учун тегишли органга қайта мурожат қилди. Аммо ушбу орган ходимлари фуқаро А.га айрим сабабларга кўра паспорти тайёр бўлмаганлигини маълум қилишди. Фуқаро А. бўлиб ўтган воқеалар юзасидан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан судга мурожаат қилди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **50-масала**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги таркибидаги Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармасида бошқарма бошлиғи ўринбосари сифатида ишлаб келаётган Б.Анваров ўз қўл остидаги катта маслаҳатчи лавозимида ишлаб келаётган О. Олимовни дам олиш кунлари ҳам бир неча маротаба ишга жалб қилган. Бундан норози бўлган О.Олимов юқори турувчи мансабдор шахсга шикоят билан мурожат қилиб Б.Анваровнинг

хатти-ҳаракатларидан норози эканлини билдирди. У ўз шикоятда Б.Анваровнинг хотини томонидан қариндош бўлган яъни рафиқасининг укаси Б.Ботировнинг илтимосига кўра ушбу лавозимни эгаллаганлигини қайд этиб ўтди. Шунингдек, шикоятда у Б.Ботиров ушбу бошқармада етакчи маслатчи лавозимида ишлаб келаётгани ва улар ўртасида иш билан боғлиқ низо келиб чиққанлиги сабабли Б.Ботиров бошқарма бошлиғи Б.Анваровдан уни дам олиш кунлари ҳам ишга жалб қилишини сўраганини кўрсатиб ўтди. Бундан ташқари О.Олимов ўз шикоятда давлат хизматида қариндош-уруғларнинг давлат корхоналари ва органларида бири иккинчисига бевосита бўйсунувчи ёки унинг назорати остида хизмат қилиши мумкин эмаслигини ҳам айтиб ўтган. Шунингдек, дам олиш кунлари ишга жалб қилишга алоҳида ҳолларда жамоа шартномасида агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган асослар бўйича ва тартибла йўл қўйилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги Шарҳи
<b>Маъмурий-хуқуқий фаолият</b>	айрим жисмоний ёки юридик шахсларга ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳига таъсир кўрсатувчи бошқарув фаолияти;	administrative activities that affect individual individuals or legal entities, or a group of individuals, identified according to certain individual characteristics;
<b>Манфаатдор шахс</b>	қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат қаратилган шахс, шунингдек ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари маъмурий ҳужжатга ёки маъмурий ҳаракатга дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахс;	the person to whom the adopted administrative act or administrative act is addressed, and the rights and legal interests of which are affected or may be affected by the administrative act or administrative act;
<b>Маъмурий иш юритиш</b>	маъмурий тартиб-таомил орқали тартибга солинган маъмурий ишни кўриб чиқиш, маъмурий ҳужжатни қабул қилиш, уни маъмурий шикоят бўйича қайта кўриш, шунингдек маъмурий ҳужжатни ижро этиш жараёни;	regulated by the administrative procedure, the process of consideration of the administrative case, the adoption of an administrative act, its review on the administrative complaint, as well as the execution of the administrative act;
<b>Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)</b>	маъмурий органнинг қонун ҳужжатлари доирасида йўл кўйилган чоралардан бирини қонунийликка ва мақсадга мувофиқликка ўзи баҳо бериши асосида ўз ихтиёрига кўра қўллаш ёки тегишли чорани қўллашдан воз кечиш ҳуқуқи;	the right of the administrative authority to apply, at its own discretion, one of the permissible measures within the framework of the legislation, or to refrain from applying the corresponding measure on

		the basis of its own assessment of the legality and expediency;
<b>Маъмурий органлар</b>	Маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар;	bodies with administrative and managerial competence in the field of administrative and legal activities, including government bodies, local executive authorities, citizens' self-government bodies, as well as other organizations and specially formed commissions authorized to carry out this activity;
<b>Маъмурий тартиб-таомил</b>	маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалар;	procedural rules governing the administrative and legal activities of administrative bodies;
<b>Маъмурий ҳаракатлар</b>	маъмурий органнинг жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида амалга оширилган, маъмурий ёки процессуал ҳужжат бўлмаган, юридик аҳамиятга эга ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги);	legally significant actions (inaction) of the administrative body in respect of individuals and legal entities, committed in the field of administrative and legal activity, which are not administrative or procedural acts;
<b>Маъмурий ҳужжат</b>	маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий	a measure of the impact of an administrative body aimed at creating, changing or terminating public relations and generating certain legal consequences for certain individuals or legal entities or a group of persons separated on certain

	оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси;	individual grounds;
<b>Процессуал ҳужжат</b>	маъмурий орган томонидан маъмурий иш юритиш давомида қабул қилинадиган, маъмурий ишни мазмунан ҳал этмайдиган ҳужжат.	an act adopted by an administrative body in the course of administrative proceedings, which the administrative case is not authorized on the merits
<b>Ҳуқуқий одат</b>	узоқ давр мобайнида такрорланиши ва амалда бўлиши натижасида шаклланган ва давлат томонидан умуммажбурий қоида сифатида тан олинган ҳуққатвор қоидаси.	the established pattern of behavior that can be objectively verified within a particular social setting. A claim can be carried out in defense of «what has always been done and accepted by law.» Related is the idea of prescription; a right enjoyed through long custom rather than positive law.
<b>Юридик прецедент</b>	суд ёки маъмурий органнинг ёзма ёки оғзаки қарори бўлиб, бу қарор келгусида шунга ўхшаш бўлган барча ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун асос бўладиган намуна, эталон норма.	the precedent on an issue is the collective body of judicially announced principles that a court should consider when interpreting the law. When a precedent establishes an important legal principle, or represents new or changed law on a particular issue, that precedent is often known as a landmark decision.

<p><b>Норматив-хукукий ҳужжат</b></p>	<p>давлат ваколатли органларининг белгиланган тартибда қабул қилган ҳукукий ҳужжати бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, умуммажбурий характердаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи ҳукуқ ижодкорлиги актлари тушунилади.</p>	<p>a written official document in the specified form, adopted by a law-making agency within the limits of its competence and directed at establishment, alteration and cancellation of legal norms, i.e., mandatory orders of temporary or permanent nature meant for multiple application.</p>
<p><b>Ҳукуқ ижодкорлиги</b></p>	<p>бу энг аввало ваколатли давлат органларининг норматив-хукукий актларини яратиш, уларга ўзгартириш киритиш ёки уларни бекор қилишга қаратилган фаолиятидир.</p>	<p>this is first and foremost activity of the creating normative-legal acts, change them or canceling by the authorized state body.</p>
<p><b>Қонун</b></p>	<p>бу норматив акт бўлиб, қонунчилик ҳокимияти органи (ёки референдум йўли билан) томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадиган, халқнинг иродасини ифодалайдиган, олий юридик кучга эга бўлган ва бирмунча муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат.</p>	<p>it is a legislative act , a document which is adopted in the manner prescribed by representing the will of the people, the supreme legal force and the most important document regulating social relations by the legislative authority body.</p>
<p><b>Қонунийлик</b></p>	<p>бу ҳукуқ субъектлари томонидан қонунлар ва қонун ости актларига тўла ва аниқ амал қилиниши.</p>	<p>can be defined as an act, agreement, or contract that is consistent with the law or state of being lawful or unlawful in a given jurisdiction.</p>

## VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

21. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015. 76 б.
22. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999, №1, 8-модда
23. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999, №5, 115-модда
24. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда
25. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001, №1-2, 10-модда.
26. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 138-модда



27. Ўзбекистон Республикасининг “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар-Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 37-сон, 375-модда
28. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 51-сон, 575-модда
29. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда
30. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда
31. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда
32. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда
33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 9 декабр Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003, № 23, 229-модда
34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 22 декабр Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003, № 24, 236-модда
35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 7-сон, 55-модда
36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14.02.2017 йилдаги Ф-4849-сон фармойиши // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 7-сон, 88-модда

### **Махсус адабиётлар**

3. Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E.Qosimovning umumiy tahriri ostida. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2010. – 640 b.
4. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республик Узбекистан Общая часть. Учебник. –Т.: Konsauditinform-Nashr, 2012. – 591 с.

### **Хорижий адабиётлар:**

5. Constitutional and administrative law / A. W. Bradley and K. D Ewing. 13th ed. 2003.
6. Administrative Law. Peter Leyland, Gordon Anthony. Seventh Edition, 2012.
7. Allgemeines Verwaltungsrecht: mit Verwaltungsprozessrecht Steffen Detterbeck. 2013.
8. Allgemeines Verwaltungsrecht, Aufl., München

### **Электрон таълим ресурслари:**

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.senat.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.my.gov.uz>
5. <http://www.parliament.gov.uz>
6. <http://www.ziynet.uz>